



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI  
NAMANGAN SHAHAR YANGI NAMANGAN TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

2022 - yil 13 - may

186-6-222-Q/22

Yangi Namangan tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори юзасидан Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 26 апрелдаги 262-6-0-Q/22-сон ҳамда шаҳар ҳокимининг 2022 йил 29 апрелдаги 196-6-91-Q/22-сон қарорлари ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори, шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2022 йил 26 апрелдаги 262-6-0-Q/22-сон ҳамда шаҳар ҳокимининг 2022 йил 29 апрелдаги 196-6-91-Q/22-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон, вилоят ҳокимининг 2022 йил 26 апрелдаги 262-6-0-Q/22-сон ҳамда шаҳар ҳокимининг 2022 йил 29 апрелдаги 196-6-91-Q/22-сон қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорлар билан:

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишини олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олингандан кейин амалга оширилиши;

диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

қуйидагиларни назарда тутувчи Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

юридик ёки жисмоний шахслар томонидан диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, ушбу материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва тарқатишга қўйиладиган талаблар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва тарқатишга мўлжалланган материалларни экспертизадан ўтказиш учун ваколатли органга муурожаат қилиш тартиби;

диншунослик экспертизасини ўтказиш шартлари, муддатлари ва диншунослик экспертизаси хулосасини расмийлаштириш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Исақов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ж.Абдуллаев